



ЯНГИ УСУЛ ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ КИМЁ ЎҚИТИШГА ТАЪСИРИ: КЕЛАЖАКДА ЎҚИТИШ МЕТОДОЛОГИЯЛАРИ

Тўйчиева Инават Маҳаммаджановна
Шайхотоҳур тумани касб-ҳунар мактаби
Кимё фани ўқитувчиси

Аннотация: Ушбу мақола кимё фанини ўқитишда янги усул методлардан фойдаланиш ҳақида ёзилган. Бу усуллар билан ўқувчилар фанни яхши тушунади ва ўрганиб боради.

Калит сўзлар: метод, тушунча, “Кимёгар коптокч” “Балиқ скелети”, “Билимдон чўққиси”.

Бугунги кунда таълим тизимига эътибор янада кучайтирилмоқда. Муҳтарам юртбошимиз томонидан бир қатор фанларни ривожлантириш бўйича кўплаб ишлар амалга оширилди. Муҳтарам юртбошимиз Шавкат Мирзиёев ўзларининг “1-октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни” байрами муносабати билан ўтказилган тантанали маросимдаги нутқида шундай деган эдилар. “Математика ҳамда кимё-биология фанларини ривожлантириш бўйича қарорлар қабул қилдик. Уларга асосан ҳар бир туман ва шаҳарларда ана шу фанларга ихтисослашган мактаблар босқичма-босқич ташкил этилади. Шу йилнинг ўзида кимё-биология йўналишида 27 та мактаб ташкил этилгани бу ишларнинг бошланишидир”.

Шундай экан биз кимё фани ўқитувчилари ўқувчиларга фаннинг сир асрорларини ўзимизнинг маҳоратимиз, иқтидоримизни ишга солиб, етказиб бера олишимиз керак.

Кимё фани мураккаб, шу билан бирга жуда қизиқ фан. Мавзуларни тушунтиришда ўтиладиган мавзунинг мазмунига, ўқувчиларнинг ёши, психологиясидан келиб чиқиб, уларга мос таълим методлари танланса мақсадга мувофиқ бўлади. Масалан: 7синф ўқувчилари қизиқувчан, ўйинқароқ бўлади. Уларга мавзуларни умумий такрорлашда ёки ўқувчиларни фикрини фанга қаратишда “**Кимёгар коптокча**” методидан фойдаланиш мумкин.

Таъриф: Бунда ўқитувчи коптокни ихтиёрий бир ўқувчига улоқтиради. ўқувчи эса 1 та кимёвий тушунча айтиб ўқитувчига қайтаради. Масалан: атом.



Ўқитувчи иложи борича фикрини жамлай олмаган ўқувчиларни фанга қаратишга ҳаракат қилиши керак. Бунда ўқувчилар қуйидагича тушунчаларни санашлари мумкин. Масалан: элемент, модда, жисм, электрон, протон, аллотропия, сублиматланиш, водород, ёд ва ҳоказо. Бунда бир ўқувчи томонидан айтилган тушунчалар такрорланмаслиги керак. Такрорий айтган ўқувчи мағлуб ҳисобланади.

Натижавийлиги: бу метод орқали ўқувчилар билимини мустаҳкамлаш, фанга бўлган қизиқишини ошириш, ўқувчиларни фикрини кимёга қаратишга ёрдам беради. **“Сехрли сиёҳлар”** қизиқарли тажрибавий методи.

Таъриф: Бунда ўқитувчи мавзу номини ёки бирон-бир тушунчани оқ қоғозга фенолфталеин эритмасидан фойдаланиб ёзилади. Ёзув бир оз очик ҳавода қуритилади. Қоғозда ҳеч қандай ёзув кўринмайди. Чунки фенолфталеин эритмаси рангсиз. Қоғозни ёзув тахтасига илиб қўйиш мумкин. Қоғозга “Мавзу: Асосларнинг олиниши ва ишлатилиши” деб ёзиш мумкин. Сув пуркагич идишга натрий гидроксид эритмаси аввалдан қуйиб қўйилади. У ҳам рангсиз. Эритмани қоғозга пуркалади. Оппоқ қоғозда тўқ пушти рангли ёзув “Мавзу: Асосларнинг олиниши ва хоссалари” пайдо бўлади.

Қўлланилиши: Бу методдан барча синфларга кимё дарсини ўтишда, 7-8 синфларда асосларга оид мавзуларни ўтишда, индикаторлар ҳақида маълумот берилганда фойдаланиш мумкин.

Натижавийлиги: Бу методдан фойдаланиб ўқувчиларни ҳайратини, фанга бўлган қизиқишини, интилишини ошириш, кимёни мўъжизакор эканини кўрсатиш, ўқувчилар фикрини дарсга қарата олиш, мавзуга доир амалий билим бера олиш мумкин. Бу эса мавзунини тўла тушунишларига ёрдам беради.

“Балиқ скелети” методи.

Таъриф: Оқ қоғозга балиқ скелети макети чизилади. Унинг юқори қисмига мавзуга оид маълумотлар ёзилиб, унинг пастига сабаби, изоҳи ёзилади. Масалан: юқорида – алкенлар бирикиш реакциясига киришади, пастда эса унинг сабабиқўшбоғи борлиги учун 2-суяги юқори қисмига-асетилен пайвандлашда ишлатилади, пастига – юқори миқдорда иссиқлик чиқади ва ҳоказо.

Қўлланилиши: 10-синфларда алкенлар, алканлар мавзуларини ўтишда бу методдан фойдаланишлари мумкин.

Натижавийлиги: Бу методдан фойдаланиб болани мавзуга доир билимларини текшириш, уни атрофдаги воқеаларни сабабини топишга



ўргатиш мумкин. Бу эса ўқувчиларни мавзуларни тўла тушунишларига ёрдам беради. Дунёқарашини, фикрлаш қобилиятини ривожлантиради.

“Билимдон чўққиси” методи.

Таъриф: Бунда катта фармат қоғозга тепага қараб кўтарилиб борган тоғ чўққиси сурати чизилади. Тоғлар сурати ичига ер қобиғида тарқалган элементлар, осмон қисмига эса ҳавода тарқалган газлар ёзилади. Дарс давомида саволларга жавоб берган ўқувчилар елимли қоғозларга исмлари ёзилиб, тоғнинг энг пастки қисмига бир қатор қилиб елимланади. Иккинчи бор тўғри жавоб берган ўқувчи бир поғона кўтарилади. Шу тарзда дарс давомида чўққига биринчи бўлиб, чиққан ўқувчи бугуннинг энг фаол ўқувчиси деб топилиб, рағбантлантирилади.

Кўлланилиши: Бу методдан барча синф ўқувчиларига дарслар давомида дарсдаги фаоллигини баҳолаш ва рағбантлантиришда ёки мавзуларни мустаҳкамлашда, гуруҳли мусобақалар ўтказганда фойдаланиш мумкин.

Натижавийлиги: Методнинг афзаллиги шундаки, бунда ўқувчининг фаоллиги синфдаги барчага яққол кўриниб туради. Чўққига бўлган интилиш эса ўқувчиларнинг дарсдаги фаоллигини тامينлаб беради.

Мен бу метод ва усуллардан дарсларим давомида фойдаланиб бораман. Методларнинг барчаси ўқувчиларнинг фанга бўлган қизиқишини орттиришга, бу эса таълим сифатини ошишига хизмат қилади. Сизга ҳам бу методлардан фойдаланишни тавсия этаман.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг “1 октябрь_Ўқитувчи ва мураббийлар куни “байрамидаги нутқи.
2. И. Р. Асқаров, Н. Х. Тўхтабоев, К. Ғ. Ғопиров - Кимё 7-синф дарслиги. : Тошкент-2013.
3. И. Р. Асқаров, К. Г. Ғопиров, Н. Х. Тўхтабоев. -:Кимё 9-синф дарслиги Тошкент-2019.
4. А. Муталибов, И. Муродов, С. Машарипов, Ҳ. Икромов. -Органик кимё 10синф дарслиги Тошкент-2017.